



Мусулмон оламида хижрий 923 - 1342, милодий 1517 - 1923 йилларда усмоний турклар сулоласи ҳукмронлик килдилар.

Шайх Абулхасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳи улар ҳақида батафсил ёзадилар:

«Ана шу пайтда тарих сахнасида усмонли турклар пайдо бўлишди. Муроднинг ўғли Мухаммад II хижрий 753 йилда (мил. 1453 й.), йигирма тўрт ёшида Византия давлатининг мустаҳкам пойтахти бўлмиш буюк Константинополни фатҳ килди. Натижада Исломнинг умиди янгиланди. Мусулмонларнинг дилида умид уйғонди. Турклар Усмон бошчилигида Ислом умматига раҳбарлик қилишни ишониб топширса бўладиган, мусулмонларнинг мавқеи ва куч-қудратини қайтариб беришга қодир кучга, қудратли омилга айланган эди. Константинополь саккиз асрдан буён мусулмонларга бўйсунмай келаётган эди (Буср ибн Артоа бошчилигидаги арабларнинг ҳарбий флоти хижрий 44, милодий 664 санада Константинополга юриш қилган. Язид ибн Муовия хижрий 52, милодий 672 санада Константинополни камал қилган. Шундан сўнг араблар уни энг қаида тўрт марта камал қилишган, бироқ бу мустаҳкам шаҳарни фатҳ қила олишмаган). Константинополь фатҳи усмонлиларнинг куч-қудрати ва етуклигини, ҳарбий соҳада ижтиҳод даражасига етганлигини, бекиёс саркардалиқ маҳоратини, қурол-аслаҳадан фойдаланиш ишига илмий ва амалий ёндашув ила мақсадларга эришиш борасида ўзларига қамондош бўлган халқлардан илгарилаб қетганини намоён қилди. Бу ишларнинг барчаси уммат учун қоятда муҳим эди.

Мухаммад Фотихнинг ҳарбий санъатдаги устунлиги

Мухаммад Фотих риёзиёт илмларидан яхшигина хабардор бўлиб, уни харбий санъатда усталик билан татбик килган. Кустантиния фатхига ҳам жиддий тайёргарлик кўрган, ўз давридаги харбий асбоб-ускуналар ва курол-яроғларнинг барчасидан фойдаланган. Бернард Карра де Во (Вегпағб Сагга бе Уаих) «Ислондаги мутафаккирлар» номли китобининг биринчи жузида Мухаммад Фотихнинг хаёт йўли хакида шундай сўз юритади:

«Дархакикат, Мухаммад Фотихнинг ушбу галабаси ўз-ўзидан бўлиб колган эмас. Византия давлатининг заифлашиб колгани бу галабанинг асосий сабаби эмас. Султон ушбу хал килувчи жанг учун лозим бўлган барча тайёргарликларни олдиндан кўриб кўйганди. Бунинг учун у ўзи яшаб турган даврда эришилган илмий тараккиётнинг самараларидан тўлик фойдаланар эди. Ўша пайтларда тўплар эндигина ихтиро килинган эди. Султон ўша вақтда яшаш мумкин бўлган энг катта тўпларни яратиш устида иш олиб борди, бу ишга ўкининг вазни 300 кг бўлган, бир милдан узокрокка ўк отадиган замбарак ясаган мухандисни жалб килди. Айтишларича, бу тўпни ўрнидан силжитиш учун етти юз киши керак бўлар, уни ўклаш учун эса икки соат кетар эди. Мухаммад Фотих Константинополни фатх этиш учун юриш бошлаганида унинг уч юз минг аскарлари, жуда катта артиллерияси, шаҳарни сохил томондан камал килиб турган денгиз флотида эса 120 та харбий кемаси бўлган. У бор харбий махоратини ишга солиб, флотнинг бир томонини курукликдан кўрфазга олиб чиқишни режалаштирган ва ёғмой суртилган ёғочлар ёрдамида денгизнинг Косим пошшо тарафидан етмишта кемани сувга туширган» (Амир Шукайб Арслоннинг «Ислон оламининг бугуни» китобига ёзган иловаларидан).

Туркий халкларнинг ўзига хос жихатлари

Подшоҳ бошчилигидаги мусулмон турк халклари ўша вақтдаги исломий умматлар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган ва шу жихатдан мусулмонларга бошчилик килишга ҳақли бўлишган:

1. Харбий рухга ва метин иродага эга бўлган бу халк фаол, гайратли, интилувчан бўлган. Келиб чиқиши, фитратга яқинлиги ва ҳаётдаги оддийлиги сабабли ҳам турклар шарқдаги исломий умматларнинг ижтимоий ва маънавий иллатлардан соғлом бўлишган.
2. Туркларда Ислоннинг моддий ва маънавий ҳукмронлигини кенг таркатишга, ўзаро адоват ва рақобатда бўлган халкларнинг зулмини қайтаришга, бутун оламга йўлбошчилик килишга имкон берадиган даражада харбий куч-қудрат мавжуд бўлган. Усманийлар ўз ҳукмронлигининг аввалидаёқ харбий курол-яроғлардан, айниқса, ўкотар куроллардан фойдаланишга интилишган. Улар артиллерияга катта эътибор қаратиб, энг замонавий харбий анжомларни амалиётга қабул килишган, харбий санъатга, кўшинни тартибга солиш ва уларни сафарбар этишга эътибор қаратганлар. Улар харбий махорат борасида ҳатто Европа учун ҳам шубҳасиз етакчига, баркамол намуна ва йўлбошчига айланган эдилар.

Улар учта китъада: Европа, Осиё ва Африкада ҳукмронлик килар, Форсдан то

Марокашгача чўзилган Ислом шаркига эгалик килар эдилар. Турклар Кичик Осиёни бўйсундириб, Европага, хатто Вена остоналарига кадар кириб боришди. Улар Урта ер денгизига ҳам хўжайинлик килишар, уни усмонлиларга тегишли деб билар эдилар. Пётр I нинг ишонган одамлари унга мактуб ёзиб, «Султон Кора денгизни ўзининг шахсий саройи деб билади, бошқаларнинг унга киришига ижозат бермайди», деб хабар килишган. Улар Европа қаршилиқ кила олмайдиган даражада улкан флотни тузган эдилар. Хатто хижрий 945, милодий 1547 йилда Султонни бу ердан қувиб чиқариш учун Рим, Венеция, Испания, Пор-тугалия ва Мальта давлатларининг флотлари бирлашган. Бирок сондаги устунлик уларга ҳеч бир фойда бермади.

Усмонийлар салтанати Сулаймоннинг бошқаруви даврида ҳам қуруқликда, ҳам денгизда устунлик килар, сиёсат ва диндаги ҳукмронликни ўзида жамлаган эди.

Усмонийлар давлатининг ҳудудлари Сулаймон шохнинг даврида шимолда Туна ва Сава дарёларигача, жанубда Нилнинг боши ва Хинд океанигача, шарқда Кавказ тоғ тизмаларигача, ғарбда эса Атлас тоғларигача етиб бориб, 400 минг квадрат милдан зиёда эди.

Усмонлилар флоти 300 дан 400 тагача ҳарбий кемалардан иборат эди. Сефид (Оқ) денгизи, Адриатика денгизи, Мармара, Азак, Кора ва Кизил денгизлар ҳамда Форснинг шарқий қисми унинг тасарруфи ва ҳукмронлиги остида эди.

Биргина Римдан ташқари кўҳна дунёнинг барча машҳур шаҳарлари усмонийлар империясининг ҳудудига кирди («Фалсафатут-тарихил-усмоний», 280-281-бетлар).

Бутун Европа улардан хайкиб турар, уларнинг катта-катта қироллари усмонли подшоҳларнинг ҳимоясига қирар, юртларига турклар ташриф буюрадиган бўлса, уларнинг ҳурмати учун черковларининг қўнғирокларини жаранглатмай туришар эди. Рим папаси Муҳаммад Фотихнинг вафот этганини эшитгач, уч кун давомида шукрона ибодатларни адо этиб, байрам қилишни буюрган.

3. Улар халқаро бошқарув учун энг муносиб ўринда жойлашган эдилар. Осиё ва Европага қараб турган томонлари Болкон яриморалига ўхшаб кетар, уларнинг пойтахти икки денгиз - Кора ва Кизил денгизлар ўртасида жойлашган бўлиб, икки қитъа - Осиё ва Европани бир-бирига боғлаб турар ва Осиё, Европа ва Африкага ҳукмронлик қиладиган энг буюқ давлатнинг энг яхши пойтахти эди. Хатто Наполеон: «Агар дунёда ягона давлат бўладиган бўлса, унинг пойтахти бўлиш-га энг муносиб шаҳар Константинополь бўлар эди», деган.

Европани яқин келажакда улкан хатар ва буюқ бир шаън қутар эди. Европада ҳаёт қучлари жўш урар, қалбида тараккиёт омиллари уйғонаётган эди. Шунинг учун ҳам агар Аллох муваффақият берганида эди, турклар илм ва фикр майдонида илғарилаб кетишлари, бу борада Европанинг наслоний халқларидан ўзиб кетишлари, оламнинг пешво-ларига айланишлари, европаликлар дунёнинг тизгинини ўз қўлларига олиб, завола ва таназзул сари етакламай туриб, уни ҳақиқат ва ҳидоят сари етаклашлари мумкин эди.

Туркларнинг ахлоқан тубан кетишлари, илм ва ҳарбий саноат борасида қотиб қолишлари

Афсуски, туркларнинг ва мусулмонларнинг бахтига қарши турклар таназзулга юз тутиб,

ортга кета бошладилар. Уларга ҳам ўзларидан олдинги умматларнинг иллоти тегди: хасад, адоват, подшоҳларнинг зулму истибдоди, жабру жафолари, бузук тарбия, ахлоксизлик, амирларнинг хоинлиги, халкни алдаш, халkning айшу ишрат, рохат-фарогатга берилиши кучайди. Бундан ташкари, тарих китобларида баён килинганидек, таназзулга юз тутган бошқа халкларнинг ахлокидаги баъзи салбий қусурлар туркларга ҳам аста-секин кириб борди. Хозир у гаплар хакида батафсил сўз юритишнинг мавриди эмас. Уларга етган энг ёмон нарсa уларнинг илмда, харбий соҳада ва кўшинларни сафарбар этишда котиб қолишлари, ортида қолиб кетишларидир. Улар Набий соллаллоху алайхи васалламнинг «Хикмат мўминнинг излаб юрган нарсасидир. Уни қаерда топса, ўша нарсaга энг ҳақли бўлади», деган сўзларини ёддан чиқариб қўйган эдилар.

Атрофдаги Европа давлатлари уларни билaкдаги билaкузукдек ўраб турган бир пайтда, ўзларининг сиёсий ва жўгрофий жойлашувларидан келиб чиқиб ҳам, буюк Ислaм саркардаси Амр ибн Ос розияллоху анхунинг мисрлик мусулмонларга қилган ушбу васиятини доимо ёдда тутмоқлари лозим эди: «Хабарингиз бўлсинки, атрофингиздаги душманларнинг қўплиги, уларнинг қалби сизга ва сизнинг юртингизга талпиниб тургани туфайли қиёмат қунига қадар ҳавфу ҳатарда бўласизлар». Аммо турклар бир жойда туриб қолишди, замон эса илгарилab кетди. Улар ортида қолиб, Европа халқлари ўзиб кетдилар.

Туркиядаги илмий турғунлик

Ёзувчи Холида Адиб хоним (1884 -1964) Туркиядаги илмий турғунликни шундай тавсифлаб берганки, шу жойда уни нақл қилсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди. У шундай деб ёзади:

«Дунёни мутақаллимларнинг фалсафаси назорат қилиб турар экан, Туркиядаги Ислaм уламолари ўз вазифаларини гўзал тарзда бажариб юрдилар. «Сулаймония» ва «Фотих» мадрасалари ўша замондаги илм-фаннинг етакчи марказлари бўлган. Лекин Гарб илохий фалсафа ҳамда қаломга доир баҳс-мунозараларнинг қанчалидан ҳалос бўлгач, янгича, замонавий илм-фан ва янгича ҳикматга асос солиб, дунёда инқилоб яратди. Уламолар жамоаси эса таълимнинг қийинчиликларини зиммага олиш, муаллимларнинг мажбуриятларини адо этишнинг уйдасидан чиқа олмадилар. Уларнинг эътиқод қилишларича, илм-фан милодий XIII асрдагидек ҳозирги мавқайдан ўзиб, илгарилab кета олмас эди. Ана шу нотўғри фикр милодий XIX асрга қадар уларнинг таълим тизимига ҳукмрон бўлиб қолди...

Зотан, Туркия ва бошқа мусулмон юртлардаги уламолар айтган бу фикрларнинг динга умуман алоқаси йўқ. Илохий фалсафа ёки мусулмонларда, ёҳуд насронийларда мавжуд бўлган қалом илми юнон фалсафасига асосланган эди. Унинг асосий қисмини мажусий файласуф Арастунинг фикрлари ташкил қилар эди. Шу ўринда масихий ва мусулмон уламоларнинг ақлий даражаларини қискача қиёсласак яхши бўларди...

Қуръони Қарим оламнинг табиий яралиши масаласига батафсил тўхталмаган. Ундаги таълимотнинг қўпроқ қисми ҳаётнинг маънавий-ижтимоий жиҳатлари ҳусусида бўлиб,

асосий эътибор шунга қаратилган. Унинг бош мақсади ҳақ билан ботилнинг, гўзаллик билан қабоҳатнинг, яхши билан ёмоннинг ўртасини ажратиб беришдир. Куръон оламга шариатни олиб келган. У метафизика ёки маънавий билимларга оид бирор масалани зикр қилар экан, унда чигаллик ёки мушкулликни кўрмаймиз. Ундаги асосий таълимот тавҳиддир. Бинобарин, Ислом оддийлик ва бағрикенглик динидир. Табиий олам ҳақидаги янги назариялар учун бошқа динлардан кўра Исломнинг бағри очикрокдир. Лекин янги илмий таҳқиқларда кўмак берадиган ана шу бағрикенгликнинг, ана шу оддийликнинг умри мусулмонларнинг ҳаётида кўп ҳам узокка чўзилмади. Хижрий тўққизинчи асрга келиб, уламолар ва мутакаллимлар нафакат фикҳни, балки илоҳиётни ҳам занжиру кишанлар билан тушовлаб, ижтиҳод ва тадқиқотлар эшигини маҳкам ёпиб ташладилар. Ана шу даврда Арастунинг фикрлари исломий фалсафага кўшилиб, аралашиб кетди... Роҳиб Павелнинг дини деб номлаш тўғрироқ бўлган масихий динида эса аҳвол тамоман бошқача. Зеро, «Яратишнинг бошланиши» китобида табиий олам ҳақида батафсил сўз юритилади. Насронийлар уни Аллохнинг каломи деб иймон келтиришса, унинг тўғри эканини ҳам эътироф этишлари керак эди. Бироқ кузатувлар уларнинг бу таъвилларини тасдиқламагач, улар далил излашга мажбур бўлдилар ва Арастуга ёпишиб олдилар. Унинг нутқи уларга сеҳрдек таъсир қилар эди.

Гарбликлар табиатни мушоҳада, тажриба, таҳлил ва бошқа қисмларга ажратиш ёрдамида ўрганишни бошлаган пайтда иш черков вакилларининг кўлига ўтиб қолди. Уламолар амалий йўллар билан муҳим кашфиётларга эриша бошлагач, насроний олимлар черков ҳукмронлиги инкирозга юз тутишидан ҳавфсираб қолдилар. Натижада дин билан илм орасида аёвсиз кураш бошланди. Табиий фанлар соҳасидаги тадқиқот ва таҳқиқотларига берилиб кетган етакчи олимлар ўз илмининг қурбонларига айландилар... Насроний черкови дин билан илм ўртасидаги қонли урушлардан сўнг воқеликни тан олишга мажбур бўлиб, табиий фанларни диний таълим муассасалари ва куллийётларининг ўқув дастурларига киритди. Кечагина мусулмонларнинг илм даргоҳдаридан фарқ қилмай турган дорилфунунлар табиий фанлар ва бошқа янги илмларнинг марказига айланди. Бироқ Гарб олимлари ўз фалсафасидан воз кечишмади. Оқибатда черков бошқаруви бир гуруҳ зиёлилар табақасининг кўлига ўтди. Католик ва протестантларнинг руҳонийлари янги илмлар борасида муштарак бўлиб, ҳар бир мавзуда янгилик излашга қодир эдилар...

Усмонли Туркиядаги уламолар эса бунинг акси эди. Улар янги илмларни эгаллашга аҳамият бермадилар, ҳатто ўз минтақаларига янги фикрларнинг кириб келишига ҳам қаршилиқ қилдилар. Улар Ислом умматининг таълим бошқарувини ўз тасарруфида сақлар, янги фикрларнинг ўзларига яқин келишига ижозат бермас эдилар, уларнинг таълим тизимида тургунлик ҳукмрон эди. Таназзул даврига келиб, уларнинг сиёсат билан боғлиқ ишлари ҳаддидан ошиб кетди. Уларга кузатув ва тажриба машаққатларини ўз зиммасига олишга ижозат берилган эди. Улар эса Арастунинг фалсафасига осилишдан нарига ўтмадилар, билимларини эса дедукция асосига барпо этдилар. Шунинг учун милодий XIX асрдаги мусулмон билим даргоҳлари XIII асрдаги ҳолатида қолиб кетаверди («Шарқ ва Гарбнинг Туркия учун кураши», 40 - 43-бетлар).

Тафаккур ва илмнинг ёппасига таназзулга юз тутиши

Илмдаги тургунлик, тафаккурдаги хоргинлик Туркиянинг илмий-диний сохалари билангина чекланиб колмай, балки бутун Ислом дунёсида, унинг шаркидан гарбигача таркалган, илмий сохада кургокчиликка ва бироз фикрий фалажликка мубтало бўлган эди. У холсизлик ва мадорсизликка мубтало бўлиб, мудрок босган эди. Тўққизинчи аср - агар саккизинчи аср демасак, - дин ва илмда, адабиёт ва шеъриятда ҳамда хикматда фаоллик, яратувчилик ва ижодкорликнинг сўнгги асрлари бўлган бўлса, ўнинчи аср ҳаракатсизлик ва таклидчиликнинг сўнгги асри бўлди, дейиш мумкин. Бундай ҳаракатсизлик диний билимлар, адабий фанлар, шеърий маънолар, ижод, тарих ва таълим тизимларининг барчасини камраб олган эди. Зеро, кейинги асрларда ёзилган биографик асарларда юксак иктидорли даҳо ёки ҳеч бўлмаганда муҳаккик олим деб эътироф этилган зотларни топмайсиз.

Ушбу сўнгги асрлар шеъриятида жуда кўплаб шеърлар битилган бўлса-да, хотирага ўрнашиб қоладиган бирор-бир ёрқин шеърни ёки кўнгилга сурур берадиган ижодий асарни кўрсата олмаимиз. Аксинча, сўзни безашда ўта нозиктаъблик, лафз ва маъноларда бўрттириш, муболага, ҳаддан ошириб макташ, шеърларда бошқа жинсга нисбатан ошикона муносабат, ҳатто биродарлар ўртасидаги ёзишмалар ва табиий максадларда ҳам такаллуф ҳамда аҳмокона кофияли насрлар, мазаматраси йўқ адабиётни кўрасиз. Бундай иллатлар ҳатто тарихий ва биографик асарларда ҳам кўп учрайди.

Худди шунингдек, таълим соҳасида ҳам мутакаддим уламоларнинг асарлари олиб ташланган, уларнинг ўрнига соҳтакор мутааххирларнинг китоблари киритилган эди. Бундай китоблар муаллифлар коғозни кизганиб, атайлаб чигал ва ноаник қилиб ёзган хошиялар, қарорлар, ҳулоса ва матнлар билан тўлиб-тошган эди. Бу асарлар худди стенография йўли билан ёзилганга ўхшаб кетар эди. Буларнинг барчаси Ислом дунёси бошидан кечираётган илмий-ғоявий таназзулдан дарак бериб турар эди.

Мусулмон оламнинг етакчиси бўлмиш усмонийларнинг ҳоли шундай бўлганидан кейин, қолганларнинг ҳоли қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Милодий XVI-XVII асрлар инсоният тарихининг энг муҳим даври бўлди. Европа ўзининг узок муддат давом этган уйқусидан мана шу даврда уйғонди. Уйғондию, гафлат ва илмсизликда бой берилган фурсатни ўзлаштириб олиш учун отилиб ўрнидан турди. Европаликлар мисли қўрилмаган иштиёқ билан табиат қучларини бўйсундирар, қойнот сирларини ўрганар, авваллари номаълум бўлган қитъа ва денгизларни қашф қилиб, илм-фанда ва ҳаётнинг барча жаҳаларида янгидан-янги галабаларга эриша бошладилар.

Мусулмонлар эса бу борада яна ҳам ортга қараб кетишар эди. 16-17 асрларда мусулмонларда илм-фан таракқиёти у ёққа турсин, ҳатто саводхонлик ҳам муаммога айланиб қолди. Ўқиш-ёзишни билмайдиганлар нисбати тинмай ўсиб борди.

Европа халқлари эса гурқираб ривожланиб бораётган илм-фанни ишлаб чиқаришга йўналтиришди. Янги-янги саноатлар барпо бўла бошладилар. Ҳаёт ривожланди, халқ бойиди. Саноатни ривожлантириш учун хомашёга қатта эҳтиёж сезила бошладилар.

Натижада улар аста-секин бойликни Европадан ташқаридан излашга тушишди. Бу улкан эҳтиёжни савдо йўли билан олиб бориш уларни қониктирмай қўйгач, халқи қолоқ, табиий бойликлари ўзлаштирилмаган мамлакатларга қўз олайтира бошлашди. Шу тариқа мустамлақачилик сиёсати ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошладилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг
"Олам ва одам, дин ва илм" китобидан